

Абу Ҳурайра ёки Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Табук ғазоти бўлганда кишиларни очлик тутди. «Эй Аллоҳнинг Расули, изн берсангиз, сувчи туяларни сўйиб, гўштини еб, мойини суртсак», дейишди. У зот:

«Шундай қилинглар», дедилар.

Шунда Умар келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бундай қилсангиз, улов камаяди. Лекин сиз уларнинг зодларидан ортиб қолганини келтиришларига амр қилинг. Сўнгра уларга уни баракали қилишни Аллоҳдан сўраб дуо қилинг. Шояд, Аллоҳ ўшанда бир нарса қилса», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Хўп», дедилар-да, бир тери дастурхон келтиришларини сўрадилар. Уни олдиларига ёздилар. Сўнгра зодларининг ортиб қолганини келтиришга амр қилдилар. Бас, бир киши бир сиқим жўхори, бошқаси бир сиқим хурмо, яна бошқаси бир бурда нон келтира бошлади. Шундай қилиб тери дастурхонга озгина нарса йиғилди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барака сўраб дуо қилдилар-да:

«Идишларингизга олинглар», дедилар. Бас, улар идишларига олдилар. Ҳаттоки аскаргоҳда битта ҳам идиш қўймай тўлдирдилар. Тўйгунларича едилар ва ортиб ҳам қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ашҳаду ан лаа илааҳа иллаллоҳу ва анний Расулуллоҳи», қай бир банда шу иккиси ила шак қилмаган ҳолида Аллоҳга рўбарў бўлса, зинҳор жаннатдан тўсилмас», дедилар».

مَلَسُوهُ يَلِّجُ لِيَلِّصَ يَبْنِي تَأْتِي الْجَرَّ نَأْتِي نَعْلِي يَضْرِبُ رَجَاجَ نَعْلِي
هُتَأْزَمُ أَوْ هُنْمُ لُكْأَيُّ لُجَّ رَلَّ أَلْأَزَامَ فَيُرِي عَشْرَ قِسْوٍ وَرَطِشَ هَمَّ عَطَافٍ هُمَّ غَطَّ سَيِّ
مَلَّ وَ لَ «لَأَقْفُ ، مَلَسُوهُ يَلِّجُ لِيَلِّصَ يَبْنِي تَأْتِي نَعْلِي هَلْ أَكَّ يَّحْ أَمُّهُ فَيَضَو
مَلَّ سُمُّ أَمُّهُ أَوْ . «مَلَّ لَمَّ أَمُّ لَوْ هُنْمُ مُتَلَّ كَأَلُّ هَلْ كَتَّ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам келиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан таом сўради. Бас, у зот унга ярим васақ арпа бердилар. Ҳалиги одам, унинг хотини ва уларнинг меҳмонлари уни (тарозида) тортгунча еб турдилар. Бас, у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди. Ул зот унга:

«Агар тортмаганингда, ундан еяверар эдинглар, у тураверар эди», дедилар».

Иккисини Муслим ривоят қилган.

هِيَ لَعْلَلِ صِلِ لَيْلِ الْوَسْرَعِمْ أَنْ كَيْلَاقُ هُنَّ عِلَلِ يَضْرِبُ دُنْجَنْبَ رَمَسِ نَعِ
:أَنْ لُقُ، رَشَعُ دُعُوقِي وَرَشَعُ مَوْقِي، لَيْلِ لَيْلِ الْوَدَعِ نَمِ عَصَقِ يَفُ لَوَادَتِ نَمِ لِسُو
وَدِي بَرَأَشْ أَوْ، أَنْ هَاهُ نَمِ الْإِدْمُتْ تَنْ أَكْ أَمْ، بَعْجَعَتِ عَيْشِي أَيْ نَمِ لَيْلَاقُ؟ دَمْتُ تَنْ أَكْ أَمْ فِ
يُذَمُّرَّتْ لَأَوْرِءِ أَمَّ سِلَا لَيْلِ

Самура ибн Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бир лагандаги таомни эрталабдан кечасигача еяверар эдик. Ўн киши турса, ўнтаси келиб ўтираверар эди», деди.

«У мададни нимадан олар эди?» дедик.

«Нимадан ажабланасан?! Анави ердан бошқадан мадад олмас эди», деб қўли билан осмонга ишора қилди».

Термизий ривоят қилган.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди